Volume 1, Issue 2

ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ЎРИН ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Рўзмонова Дилором Бекназаровна
Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент 2023

Аннотация. Мазкур мақолада шаҳарларнинг ривожланишида географик ўриннинг аҳамияти ва роли ёритилган.География ўрин тушунчаси ва турлари ва уларнинг назарий асослари бу борадаги олимларнинг қарашлари келтириб ўтилган
Калит сўзлар: Иқтисодий географик ўрин, шаҳарлар, табиий ресурсслар, географик ўриннинг хусусиятлари

Маълумки, шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этадиган шарт-шароитлар мажмуи илмий адабиётларда шаҳар ҳосил қилувчи омил сифатида талқин этилади. Бу борада шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрни катта аҳамиятга эга. И.Г.Ў. шаҳарларни ҳудудий бирлик сифатида ҳам ички, ҳам ташқи ҳолатларини қамраб олади. Бинобарин, шаҳарларнинг маълум ҳудудда вужудга келиши бевосита
шу жойнинг географик ўрни, табиий-иқлимий шароити ва албатта, иқтисодий имкониятларига (транспорт, фойдали қазилмалар, аҳоли
ва меҳнат ресурсларининг тўпланиши, ишлаб чиқаришни ташкил этиш
ва ривожлантириш истиқболлари ва бошқалар) боғлиқ.
Умуман олганда географик ўрин тушунчаси фаннинг фундаментал тушунчаси саналади. У ўз навбатида табиий ва иқтисодий типга бўлинади. Табиий географик ўрин маълум бир шаҳарни табиий географик объектларга нисбатан ўрнини англатса, И.Г.Ў. эса ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи аспектлар жамланмасидир. Шу билан бирга шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрни уни бошқа, ўзидан ташқаридаги географик объектларга нисбатан жойлашганлиги ва уларнинг шаҳар иқтисодий ривожланишига таъсирини ҳам ифодалайди. Шаҳарларнинг
ён атрофида ўрнашган географик объектлар (тоғлар, кўл, дарё, йўл, кон, бошқа аҳоли манзилгоҳи, қишлоқ хўжалиги далалари, давлат чегаралари, суғориш иншоотлари ва бошқалар) уларнинг ривожланишига ижобий ёки аксинча таъсир этади.
И.Г.Ў. нинг классик таърифи Н.Н.Баранскийга (1930 йил) тегишли бўлсада, аммо унга қадар 1830 йилда К.И.Арсенъев «савдо ва шаҳар саноатига нисбатан қулай ўрин» тушунчасини таклиф этган. Айтиш жоизки, И.Г.Ў. тушунчаси XX асрнинг охирларида қўлланилган ҳолда, унгача бўлган даврда (XVIII аср) «географик ўрин» терминидан фойдаланилган. Шу ўринда И.Г.Ў. категорияси ҳақида ўтган асрнинг
20-30 йилларда И. Алькин томонидан ҳам таклифлар берилганини ҳам келтириш жоиз. «География ўрин» атамаси географик детерминизм концепцияси доирасида вужудга келган бўлиб бирор ҳудуддаги хўжалик юритишни мазкур ҳудуддаги табиий шароит билан бевосита боғлиқлигини англатади. Шу ўринда И.Г.Ў. ни шаҳарлар ва минтақалар миқёсида ўрганилганлигини таъкидлаш лозим.
Н.Н. Баранский 1939 йилда ўзининг «Экономико-географическое положение» илмий рисоласида географик ўрин тушунчасининг мазмун моҳияти, унинг минтақалар иқтисодий-ижтимоий ривожланишига таъсири, И.Г.Ў. га таъсир этувчи омиллар ва унинг хусусиятларини методологик асосларини яратган. Н.Н. Баранскийнинг фикрича, “ўрин” бу бирор ҳудуд ҳақидаги маълумот эмас, балки улар ўртасидаги алоқадир деб таъкидлайди. Яъни, ҳудуд географик объектларга қанчалик яқин ёки қулай жойлашмасин, агар улар орасида алоқадорлик бўлмаса бу қулайлик ҳисобланмайди.

И.Г.Ў. бошқа географик йўналишларидаги «ўрин» тушунчасида бўлгани каби ўз тадқиқот хусусиятларига эга. Бунда бирор шаҳар ҳақида эмас, айнан шу шаҳар билан алоқаларга устувор аҳамият берилади.

И.Г.Ў. ни қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

1. Тарихий ўзгарувчанлик хусусияти;
2. Шаҳарнинг ўзига хос жиҳатлари;
3. Шаҳар атрофи билан бўлган тор доирадаги алоқадорлик (шаҳар чегараларининг кенгайиши);
4. “Микро”, “мезо”, “макро” ўринларнинг ўзаро алоқадорлиги;
5. “Макро” ўриннинг шаҳар иқтисодий ривожланишига таъсирининг юқорилиги;
6. “Микро” ўриннинг шаҳарнинг ҳудудий режалаштиришда етакчи омил эканлиги;
7. Ҳар бир шаҳарнинг И.Г.Ў. унинг инвестиция муҳити ва жозибадорлигини белгиловчи асосий омил эканлиги ва.б.

1.Шундай қилиб, тадқиқот объектидан келиб чиқиб И.Г.Ў. ни турлари ҳам ўзгариб бораверади. Масалан:

2. И.Г.Ў.-шаҳарнинг иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи объектларга нисбатан жойлашуви: дарё, денгиз, фойдали қазилмалар, иқтисодий ривожланган давлат ёки шаҳарга нисбатан ўрнини белгилаб беради.
3. Транспорт географик ўрин-транспорт тугунлари, йирик чорраҳа йўллар, транспорт инфратузилмасига нисбатан жойлашуви ёки уларни шаҳарда мавжудлиги, турли туманлиги, ривожланганлиги.
4. Сиёсий географик ўрин-дунёдаги нотинч нуқталар, уруш ўчоқлари, ҳарбий блокларга нисбатан жойлашуви. Шаҳарларнинг айнан ушбу нуқталарга нисбатан жойлашуви, ундаги стратегик объектларнинг шаҳарнинг қайси қисмида жойлашганлиги ҳам назарда тутилади.
5. Агро географик ўрин-шаҳарга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва етказиб беришга нисбатан тутган ўрни. Яъни шаҳарга қайси ҳудуддан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилади, маҳсулотнинг тан нархи ҳам аҳамиятли.
6. Демогеографик ўрин-аҳоли сони, аҳоли таркибида ёшларнинг улуши, меҳнат ресурсларига нисбатан жойлашув бўлиб, бунда аҳолининг саводхонлик даражаси ва касбий малака даражаси ҳам инобатга олинади.
7. Бозорларга нисбатан жойлашуви-моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган маҳсулот ва хизматлар қийматини асосан бозор белгилаб беради. Шаҳарда ишлаб чиқарилган маҳсулот қайси бозорда сотилади, мамлакат ва дунё миқёсидаги аҳамияти. Бунга кўра, бозорларга нисбатан яқин ва қулай ҳолатда бўлган шаҳарлар И.Г.Ў. уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун хизмат қилади.

Шаҳарларнинг ривожланиши ва И.Г.Ў. ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд. Айни пайтда таъкидлаш жоизки, ҳар бир шаҳарнинг “мезо” ва “макро” географик ўрни ўзига хос бўлиб, бошқаларга мос келмайди. Яъни ҳар бир шаҳар учун индивидуалликни касб этади десак муболаға бўлмайди. И.Г.Ў. тарихий ўзгарувчан, динамик хусусиятга эга эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Бунда бир вақтлар қулай бўлган шаҳарнинг иқтисодий географик ўрини кейинчалик ноқулай бўлиши мумкин. И.Г.Ў. ни баҳолаш орқали шаҳарни нега айнан шу ҳудудда пайдо бўлгани ва ривожланганлигини аниқлаш имкони бўлади. Шу билан бирга шаҳарнинг истиқболда ривожланишидаги қулай ёки ноқулайликларни кўп вариантли прогнозлашга асос бўлади.

Бу эса ҳар бир шаҳар учун муҳим саналади. Ҳар бир воқеа учун иқтисодий географик ўрнининг қулайлигига таъсир этар экан акс ҳолатлар
юз берганда шаҳарни иқтисодий географик ўрнини яхшилаш масалаларини кўриб чиқиш муҳим саналади. Бу орқали қадимда ҳудуднинг қандай имкониятларга эга бўлганлиги ва

келажакдаги шаҳар қурилишини, қайси йўналишда кенгайиши, ривожланишидан келиб чиқиб унинг истиқболдаги режалаштиришда муҳим ўрин тутади.
Бу борада хусусан шаҳарларнинг давлат чегарасига, асосий сиёсий марказларга узоқ-яқинлиги, халқаро транспорт инфратузилмасига нисбатан жойлашуви кабилар муҳим ҳисобланади. Аммо шаҳарда етарлича ресурс бўлса бу каби омил айрим ҳолатларда четлаб ўтилади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахмедов Э.А.Новые города Узбекистана. Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр. -Т.: 1984.
2. Аҳмедов Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. - Т: Абу Али ибн Сино, 2002.
3. Баранский Н.Н. Избранные труды. Становление экономической географии. – М.: Мысль, 1980. - 285 с.
4. Визгалов Д. Брендинг города. - Москва.: 2011.
5. Лаппо Г.М. География городов. -М.:1997.
6. Маергойз И.М. К экономико-географическому изучению городов Вопросы географии. – М.:1956.
7. Сафарова Н.И. Иқтисодий географик ўриннинг минтақа ижтимоий ривожланишига таъсири. География фан номзоди. дисс. автореферати. Т., 2011.